

## Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган “PROJECT DIZAYN” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари С.Таджибаев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги конуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёrlаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

2022 йил “17” ноябрь

### 1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан “Кўштепа тумани Шакар МФЙ Хунармандлар, Мусаффо ва Ободлик қўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш» обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёrlаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «14» ноябрь кунги танлов ҳайъатининг № 181463- сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда **72 000 000 (Етмиш икки миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “20” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ ” да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлгандан қурилиш қийматини кўпайтириши;

- ишлар ҳажми буортмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлгандан, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меърий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тегишли хужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиха қидирув ишларида (топосёмкада) барча ер ости мухандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонадзорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўлллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хулоса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойихачи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## **5. Тўловлар ва хисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилгандан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

### **6. Ишларни бажариш**

6.1. Лойихачи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлайди. Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

### **7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Бошқармаси хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни кисқартириш Бошқармаси хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Лойихачи 3 кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 3 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи. Лойиханинг ишчи хужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётгандан аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огохлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф қиласи.

### **8. Енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

### **9. Кафолатлар**

9.1. Лойихачи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

### **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлади. Лойихачи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Лойихачи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ заар тўлигича Лойихачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай колса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни муддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этганини ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хulosса берилмаган тақдирда.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари: “Буюртмачи”

“Лойихачи”

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари  
қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси” УК Фарғона вилояти худудий  
бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғононий 143-үй  
Тел.: 0-373-244-72-04

СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210

ШХР: 301821860304017063201110099

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)

ЯФХ: 23 402 000 390 180 001 010 МФО:00014

СТИР: 201 122 919

Рахбар:

Р.Холиқназаров

М.ў



“PROJECT DIZAYN” МЧЖ

Адрес: Фарғона ш. А.Яссавий 40а 36 уй  
x/p 2020 8000 6053 1447 8001

Банк: Хамкор банк Истикбол филиал

МФО 00965

ИНН 307964654

ОКОНХ:66000



С.Таджибаев

Хукуқий хulosса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукуқий базаси тўғрисида»ги Конуни ва бошка меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист

А.Нишонов